

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ  
РАШИДОВА ГУЛНОЗА ҒУЛОМОВНА

БЎЛАЖАК ТАРИХ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-  
МАДАНИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Чирчик – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Рашидова Гулноза Ғуламовна**

Бўлажак тарих ўқитувчиларининг ижтимоий-маданий компетенциясини  
ривожлантириш технологиялари..... 3

**Рашидова Гулноза Гуламовна**

Технологии развития социокультурной компетенции будущих учителей  
истории..... 26

**Rashidova Gulnoza Gulamovna**

Technologies for the development of socio-cultural competence of future history  
teachers..... 49

**Эълон қилингандишилар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 52

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ

РАШИДОВА ГУЛНОЗА ҒУЛОМОВНА  
БЎЛАЖАК ТАРИХ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-  
МАДАНИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Чирчиқ – 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Ped1805  
рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-сахифасида ([cspi.uz/ilmiy-kengash](http://cspi.uz/ilmiy-kengash)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мардонов Шукрулло Қўлдошевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Эркабоева Нигора Шерматовна**  
педагогика фанлари доктори, доцент  
**Қуронов Мухаммаджон**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот**

**Гулистан давлат университети**

Диссертация химояси Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_ соат \_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчик шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-й. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: [cspi\\_kengash@umail.uz](mailto:cspi_kengash@umail.uz)

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчик шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-й. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_ « \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**С.М.Матчонов**

илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Ф.У.Қодирова**

илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, п.ф.д. (DSc)

**У.Н.Хўжамқулов**

илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, п.ф.д. (DSc)

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таълим тизими амалиётида олий таълим муассасалари битиувчиларининг ижтимоий-маданий компетентлигини шакллантириш орқали уларнинг ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига мослашувчанлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу тенденция кейинги пайтларда халқаро илмий жамоатчилик томонидан “педагогик дунёқараш” (pedagogical worldview) муаммосига бағищланган илмий тадқиқотларнинг кўпайишига сабаб бўймоқда. Дарҳақиқат, сиёсий, ижтимоий ва маданий табиатининг доимий ўсиш ва ўзгаришда эканлиги замонавий мутахассислардан, хусусан, педагог-ўқитувчилардан ўз касбий қадриятлари ва шахсий эътиқодларига эга бўлишни, нафақат ўзининг, балки ўзга маданият турларини ҳам қабул қила билишни, маданий анъаналар ва ижтимоий эҳтиёжларга мувофиқ педагогик дунёқараши ва қобилиятларини доимий равишида такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатлари, хусусан, Германия, Австрия, Буюк Британия, Франция, Испания каби давлатларда касбий компетенциянинг иқтисодий, маданий, диний, сиёсий жараёнлар; болалар, ёшлар, катталар билан ишлашга имкон берадиган технология ва механизмлар ва касбий фаолиятнинг ҳаётий аҳамиятини ошириш каби йўналишларида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, мутахассисларни тайёрлаш жараёни касбий ва ижодий ривожланишда билим, кўникма, малака ҳамда қадриятларни янги вазиятларга ўтказиш орқали амалга оширишга йўналтирилган бўлиб, бу бўлажак ходимларга ижтимоий-маданий амалиётларни бирлаштириш ва такомиллаштириш, унинг ичига муваффақиятли кириб бориш ва замонавий жамиятда ҳаракат қилиш имкониятини беради ва бу жараён фанларни ўқитиш билан боғлиқ муаммоларни услубий ва технологик жиҳатдан ўрганишда долзарб аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда юқори касбий компетентли мутахассисларни тайёрлашга қаратилган олий таълим тизими ва ўқитиши технологияларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар бўлажак ўқитувчиларда юксак маънавият ва ахлоқни ривожлантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, юксак фуқаролик ҳамда ватанпарварлик тарбияси билан боғлиқ равища олиб борилмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан белгилаб берилган “таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёраш”<sup>1</sup>дек устувор вазифалар ижросини таъминлашда таълим мазмунига қўйилган талабларни замонавийлаштириш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш орқали ўзлаштирилган билимларни ҳаётий вазиятларга нисбатан мувофиқлаштириш ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетенцияларини такомиллаштиришни тақозо қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрда ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур фаолият билан боғлиқ бошқа маъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасиниянада ривожлантириш бўйича Ҳаркатлар стратегияси тўғрисида”ти фармони//Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

**Тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион гоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда ўқитувчилар касбий компетентлигининг назарий ва педагогик асослари Н.А.Муслимов, Ш.Х.Абдуллаева, М.Т.Ахмедова, Ш.Ўроқов, А.Алламбергенов; бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий-маданий фаолликни ривожлантириш масалалари М.Рахманова, М.Қуронов, Х.Тожибоева, Г.Ж.Туленова, Қ.Қуранбоев; ижтимоий-маданий компетентликни ривожлантириш борасида Н.Абдумуратова, Д.Нафасов; маънавий ва бадиий қадриятларнинг тарихий-фалсафий, ахлоқий-эстетик мазмун-моҳияти А.Г.Абдунабиев, Б.Абдурахимов, С.Ш.Алимов, А.Эркаев, Ф.А.Бабашев, Э.Умаров, М.Абдуллаев, Э.Хакимов, Н.Ю.Журабаев; мактабда тарих фанини ўқитишининг дидактик таъминотини модернизация қилиш масаласи Б.Х.Ходжаев; шахсга йўналтирилган ёндашув асосида таълим олувчиларнинг тафаккур имкониятларини ривожлантириш борасида О.Абдурахмонов, Д.Якибова, Р.Мавлонова, Н.Рахмонқуловалар тадқиқотлар олиб боришиган. Шунингдек, мустақиллик йилларида Э.К.Арифжонов, Ш.К.Алимов, А.В.Нарбеков, К.Б.Қодиров, Н.Джураев, Т.У.Файзуллаев, Р.Муртазаева, Б.В.Хасанов, К.Усмонов, И.П.Шодманқулов, Н.Д.Эрназарова каби муаллифлар томонидан яратилган умумтаълим мактаблари учун тарих дарсликлари тадқиқот учун методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида маданий компетентликни таълимга татбиқ этиш, бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-маданий компетентлигини шакллантириш масаласи

Т.Б.Алексеева, Г.М.Галутский, И.Ф.Исаев, Е.Н.Шиянов, В.Давыдов, Б.Леднев, С.К.Аннамуратова, Н.М.Эгамбердиева, С.З.Гончарова, В.Л.Крайник, Н.Е.Щуркова ва бошқалар томонидан илмий асосда ўрганилган.

Хорижий олимлардан В.П.Милруд, А.Масович, Д.Крамер, П. Сорокин, Р.Мертон, Т.Парсонс, Л.Уайт, Х.Адамс, М.Коул, К.Шар, Ж.Гофф, Н.Руссельелар томонидан таълимнинг устувор вазифаларидан бири сифатида шахснинг касбий компетентлигини шакллантиришнинг асосий тенденциялари, ижтимоий-маданий ёндашувнинг имкониятлари кенг ёритилган.

Бўлажак тарих ўқитувчилари учун ижтимоий-маданий компетентликнинг аҳамияти ва уни ривожлантириш технологиялари масаласини махсус ўрганишга бўлган зарурат мазкур диссертациянинг мавзусини белгилаб берди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институтининг “Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари ва амалий механизмлари” мавзусидаги илмий тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак тарих ўқитувчиларининг ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

бўлажак тарих ўқитувчисини касбий-педагогик тайёрлашда ижтимоий-маданий компетентликни шакллантириш муаммосининг назарий аспектларини аниқлаш;

талабаларнинг ижтимоий-маданий компетенциясини шакллантириш моделини ишлаб чиқиш;

бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-маданий компетентлигини шакллантириш тизимининг муваффақиятли ишлаши ва ривожланиши учун хизмат қилувчи педагогик шарт-шароитлар, усул ва воситаларни аниқлаш;

бўлажак тарих ўқитувчисининг ижтимоий-маданий компетентлигини шакллантириш бўйича тадқиқот натижалари асосида педагогик ОТМлар учун илмий-услубий тавсиялар тизимини ишлаб чиқиши.

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида бўлажак тарих фани ўқитувчиларининг ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш жараёни белгиланиб, педагогик тажриба-синов ишларига Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институти ва Самарқанд давлат университетининг 410 нафар респондент-талабалари жалб этилди.

**Тадқиқотнинг предметини** бўлажак тарих фани ўқитувчиларининг ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришнинг мазмуни, шакл, восита ва методлари ташкил қиласди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда обьектни адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (киёсий таққослаш, таҳлилий-синтетик), диагностик (тест, кузатиш, сұхбат, сўровнома), прогностик (мустақил баҳоларни умумлаштириш, эксперт баҳолаш), педагогик эксперимент ва математик (натижаларни график тасвирлаш, маълумотларни статистик қайта ишлаш) каби усуллар мажмуудан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

талаба шахсида шахсий ва касбий фазилатларни шакллантиришнинг назарий аспектлари бўлажак тарих ўқитувчиларини касбий-педагогик тайёрлашда талабаларнинг мулоқот ва таълим фаолиятини шахсга ва компетенциявий ёндашувларга йўналтириш жараёни очиб берилган;

талабаларнинг ижтимоий-маданий компетенциясини шакллантириш модели методологик, диагностик тизим ва амалий-технологик таъминот блокларини мақсаддан натижага универсаллик ва нормативлик тамойиллари орқали тизимли йўналтириш асосида ишлаб чиқилган;

талабанинг касбий тайёргарлик даражасига кўйиладиган талаблар ижтимоий-маданий компетенлик даражаси мезонларини замонавий педагогиканинг акмеологик ва компетенциявий ёндашувларига нисбатан методик қўллаш ҳамда мақсадга мувофиқ равишда оптималлаштириш орқали ишлаб чиқилган;

шахсга йўналтирилган, компетенциявий ва акмеологик ёндашувларни талабаларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришга йўналтириш орқали ўқитиши методикасини такомиллаштиришга оид конструктив тавсиялар ишлаб чиқилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

бўлажак тарих фани ўқитувчиларининг ижтимоий-маданий компетенцияларини ривожлантириш самарадорлигини аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

замонавий педагогик ёндашувлар (шахсга йўналтирилган, компетенциявий, акмеологик) асосида ижтимоий-маданий компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган дарс машғулотларини ташкил этишнинг дастурий таъминоти ва методик тавсиялар мажмуаси ишлаб чиқилган;

таълим олувчиларнинг маънавий, ижтимоий ва ахлоқий фазилатларини шакллантирувчи, маданиятга қизиқишини оширувчи, интеллектуал-англаш фаолиятини фаоллаштирувчи, турли ижтимоий-коммуникатив соҳаларга мослашувини таъминловчи интерфаол амалий машғулот ишланмалари яратилган;

ижтимоий-маданий ва компетенцияга асосланган ёндашувлар асосида тарих ўқитувчиларини тайёрлаш самарадорлигини ошириш бўйича педагогик функционал модел яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** билиш назарияси методологияси ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республикамиз ва хорижий давлатлар олимларининг тадқиқотларига асосланганлиги, компетентли ёндашув, касбий-педагогик тайёрлаш мазмуни, усул, услугуб,

шакл ва воситалари, уни баҳолаш мезонлари, даражалари ҳамда назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганилиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги, тизимли дидактик таъминоти, тадқиқот натижаларининг математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти компетентли ёндашув асосида бўлажак тарих ўқитувчиларининг ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантириш модели, алгоритмик харитаси ҳамда уларни жорий этиш методикасининг ишлаб чиқилганлиги, услубий ёндашувлар билан бойитилганлиги, баҳолаш мезонларининг такомиллаштирилганлиги, тадқиқот муаммосининг ижобий ёчимини таъминловчи илмий-методик ёндашувларнинг илгари сурилганлиги, ОТМларда комптентентли ёндашув асосида таълим сифат ва самарадорлигини таъминлаш, ўқув жараёнини ташкил этиш, ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш бўйича методик тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар ОТМларда тарих ўқитиши назарияси ва амалиёти, умумий педагогика, педагогик технология, педагогик маҳорат фанлари мазмун-моҳиятини такомиллаштириш, ишлаб чиқилган услубий ва дидактик таъминот педагогика ОТМлари профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак тарих ўқитувчиларининг ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш технологиялари борасида олинган илмий натижалар асосида:

талабаларни мулоқот ва таълим фаолиятининг янги шаклларига йўналтириш, талаба шахсида ижтимоий ва касбий жиҳатдан замон

талабларига мос касбий фазилатларни шакллантириш асосида ёритилган бўлажак тарих ўқитувчиларини касбий-педагогик тайёрлашда ижтимоий-маданий компетенликни шакллантириш муаммосининг назарий аспектлари бўйича илмий таклиф ва назарий хulosалардан ИТД-1-148 рақамли “Касб таълим мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини ривожлантириш технологияси” номли амалий лойиҳада фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 3 февралдаги 02-07-44/04-сон далолатномаси). Натижада, бўлажак тарих фани ўқитувчиларида ижтимоий ва касбий жиҳатдан замон талабларига мос касбий фазилатларни шакллантириш ва талабаларни мулоқот ва таълим фаолиятининг янги шаклларига йўналтиришга хизмат қилган;

талабаларнинг ижтимоий-маданий саводхонлигига комплекс таъсир этувчи ҳамда шахсий фазилатларини шакллантирувчи педагогик технологиялар асосида ишлаб чиқилган бўлажак тарих ўқитувчиларининг ижтимоий-маданий компетенциясини шакллантириш модели ва унинг илмий-амалий аҳамияти борасидаги илмий хulosалар Ё0-А1-009 рақамли “Олий таълим муассасаларидаги фанларни ўқитишининг методик системасини ишлаб чиқиш ва шу асосида инновацион электрон ўқув-услубий мажмуасини яратиш” (2017-2018 йй.) амалий лойиҳаси мазмунига сингдирилган

(Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 28 декабрдаги 02-07-4148/04-сон далолатномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-маданий компетенцияларини ривожлантириш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ижтимоий-маданий компетенлик даражаси мезонларини замонавий педагогиканинг акмеологик ва компетенциявий ёндашувларига нисбатан мақбуллаштириш орқали янгиланган бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-маданий компетентлигини шакллантириш тизимининг муваффақиятли ишлаши ва ривожланишини таъминловчи талаба шахсининг касбий тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар бўйича ишлаб чиқилган

таклиф ва тавсиялар ҳақида Жиззах вилояти телерадиокомпанияси “Диёр янгиликлари” информацион дастурида маъруза қилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси 2022 йил 18 январдаги 10-12/33-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-маданий компетентлигини шакллантириш тизимининг педагогик шарт-шароитлар, усул ва воситаларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини умумлаштириш, ижтимоий-маданий компетенцияни шакллантириш моделини такомиллаштиришга оид конструктив (кўп томонлама манфаатли) тавсиялар ИТД-1-148 рақамли “Касб таълим мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини ривожлантириш технологияси” номли амалий лойиҳада фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 3 февралдаги 02-07-44/04-сон далолатномаси). Натижада, интеллектуал-англаш фаолиятини фаоллаштирувчи, турли ижтимоий-коммуникатив соҳаларга мослашувини таъминловчи интерфаол амалий машғулот ишланмаларини яратишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг аprobцияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан 3 таси республика ва 4 таси халқаро журналларда нашр этилган.

**Диссертация тадқиқотининг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 158 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарбилиги ва зарурати асосланган, мавзу юзасидан илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, обьекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Бўлажак тарих ўқитувчиларининг ижтимоий-маданий компетентлигини шакллантиришнинг назарий-методологик асослари**” деб номланган ва унда “компетентлик”, “компетенция” атамаларининг лингвопедагогик талқини, ижтимоий-маданий компетентликнинг илмий тавсифи ва бўлажак тарих ўқитувчилари ижтимоий-маданий компетентлигининг хусусиятлари очиб берилган.

Бугунги кунга келиб замонавий таълим тамойиллари ўзгармоқда. Энди битиравчига кўп миқдордаги билим ёки компетенциялар тўпламини беришдан кўра тез ўзгарувчан иқтисодий муҳитда ишлаш тайёргарлигига, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни мазмунли идрок этиш ва танқидий баҳолашга, уларнинг ривожланишини башорат қилишга, уларга мослашиш қобилиятини таъминлайдиган жараёнларга таъсир кўрсатишга қодир бўлган мутахассисларни тайёрлаш устуворлик касб этмоқда.

Компетентликка йўналтирилган касбий таълим бу ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, таълимий ва педагогик шартлар асосида вужудга қелган таълимдаги обьектив ҳодисадир: касбий таълимнинг тез ўзгараётган ижтимоий-иқтисодий шароитларга, бозор иқтисодиёти билан бирга пайдо бўлаётган жараёнларга, ҳаётий вазиятларга мослашувчан муносабати, реакциясидир. Чунки бозор муносабатлари шароитида замонавий

мутахассисга қўйилаётган талаблар бирмунча ўзгармоқда. Мазкур ўзгаришлар бугунги кунда мутахассисларни тайёрлаш дастур ва режаларида етарли даражада ҳисобга олинмаган. Ушбу янги талаблар у ёки бу фан билан қатъий боғлиқ эмас, улар субъектив хусусиятга эга ва ўзининг универсаллиги билан ажралиб туради. Уларнинг шаклланиши янгича мазмунни талаб қилмайди, балки бошқа педагогик технологиялардан фойдаланишни тақозо қиласди.

Диссертацияда Шарқ мутафаккирларининг назария ва амалиёт ўртасидаги муносабатлар муаммосига оид педагогик қарашлари таҳлил қилинган. Табиийки, азалий тушунча сифатида бу ҳанузгача “компетенция” ва “компетенлик” каби замонавий тушунчалар ўртасидаги алоқанинг асоси ҳисобланади. Қомусий олимлар “илм илм учун” назариясини яқдиллик билан қоралаганлар: уларни, биринчи навбатда, илмий изланишлар ва кашфиётларни амалда қўллаш қизиқтирган.

Аслида, таълим тизими учун компетенциявий ёндашув мутлақо янги тушунча эмас. Ушбу ёндашув элементлари доимо таълим сифатини бошқариш ва таълимдаги кадрлар тайёрлашнинг мазмунида бўлиб келган. Бугунги кунда компетенциявий ёндашувни амалга ошириш учун биз Ўзбекистон анъаналари ва эҳтиёжларига зарурӣ мослашувни таъминлай оладиган илгор хорижий тажрибаларга таянишимиз керак.

Касбий компетенция муаммоси замонавий хориж олимлари: Н.Х.Розов, Э.Ф.Зеер, Б.С.Гершунский кабилар томонидан атрофлича ўрганилган. Янги асрнинг бошларидан таълимда комптетенциявий ёндашув муаммолари билан Дж.Равен, А.В.Баранников, И.А.Зимняя, В.В.Краевский, В.В.Сериков, А.В.Хуторской, В.Д.Шадриков, Д.А.Иванов, К.Г.Митрофанов, О.В.Соколова каби мутахассислар шуғулланиб келмоқдалар. Диссертацияда мазкур тадқиқотчиларнинг компетенция борасидаги фикрлари таҳлилга тортилган.

Тадқиқот давомида компетентлик бешта асосий таркибий қисмдан ташкил топган категория деган хуносага келинди:

- бажарилаётган вазифалар ва ечилаётган муаммоларнинг моҳиятини чукур англаш;
- ушбу соҳада мавжуд бўлган тажрибани яхши билиш, унинг ютуқларини фаол ўзлаштириш;
- жой ва вақтнинг ўзига хос шароитларига мос келадиган ҳаракат воситалари ва усулларини танлаш қобилияти;
- эришилган натижалар учун жавобгарлик хисси;
- хатолардан сабоқ олиш ва мақсадларга эришиш жараёнида тузатишлар киритиб бориш қобилияти.

Замонавий жамиятда рўй берадиган ижтимоий ўзгаришлар, ижтимоий қадрият сифатида инсон шахсига эътиборнинг кучайиши таълим соҳаси мутахассисларини тайёрлашга нисбатан талабларни ҳам оширмоқда, шунингдек, мутахассисларнинг ижтимоий билим ва малакалари ҳамда ижтимоий онгининг давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларига мос келишини тақозо қилмоқда. Ижтимоий тажрибанинг кенгайиши ва мураккаблашиши, маълумотларни қайта ишлаш ва олишнинг янги шаклларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолда мутахассиснинг компетентлиги тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

“Ижтимоий компетентлик” тушунчасининг кўп ўлчовлилиги, ижтимоий-маданий вазиятнинг ноаниқлиги, унинг таълим ва тарбия жараёнида суст қўлланилишини Э.Ф.Зеер терминологик нуқтаи назардан “зиддиятли воқеликлар” сифатида тавсифлайди ҳамда уларни “инсон субъектив ҳаётининг реал ҳаёт билан, объектив воқелик билан номутаносиблиги, қарама-қаршилиги”<sup>2</sup> сифатида баҳолайди.

Тадқиқотда ижтимоий компетентликнинг тузилиши, таркибий қисмлари ва мазмун-моҳияти аниқлаштирилди. Ижтимоий компетентлик кўйидаги таркибий қисмлардан иборат:

аксиологик - асосий ҳаётий қадриятлар иерархияси шаклида;

---

<sup>2</sup> Зеер Э.Ф. Самоопределение человека в современных конфликтующих реальностях / Э.Ф.Зеер. – Екатеринбург: РГППУ, 2009.//<http://www.rsvpu.ru/blogi/zeer-evald-fridrixovich/konfliktuyushchie-realnosti-72.-C.93.>

гносеологик - инсоннинг ўзи билан ўзи (ўз-ўзини тарбиялаш, ўзини ривожлантириш), ўзгалар билан ижтимоий моҳиятли масалаларни ҳал қилиши бўйича ижтимоий билимлар;

методологик, категориал, рефлексив (акс эттирувчи) ва лойиҳавий фикрлашни назарда тутади; бундай тафаккур бирлашманинг тизимли алоқалари билан ишлайди, бу субъектга ижтимоий муаммоларни принципиал ҳал қилиш, умумий ва ўзгарувчан хусусий вазиятларга нисбатан умумий ечимни турлича ўзгартириш имконини беради;

субъектив - ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзини ўзи бошқариш, ташаббускорлик ва қоидалар ишлаб чиқаришга тайёрлик, ижтимоий воқеликда мустақил равишда янги сабабларни топиш қобилияти ва қабул қилинган ва бажарилган ишлар учун жавобгарлик ҳисси;

праксиологик (технологик) - ижтимоий нормалар ва ижтимоий муносабатлар тизимида гуманитар-ижтимоий технологиялар ҳамда коммуникацияларни амалга ошириш қобилияти.

“Ижтимоий-маданий компетентлик” тушунчаси ижтимоий-маданий ёндашишга асосланган бўлиб, у ижтимоий ёндашувдан анча кейин пайдо бўлган. Ижтимоий-маданий ёндашув методологик ёндашув сифатида ўз номини ва асосланишини тизимлилик принципи асосида олган, унинг моҳияти жамиятни инсон фаолияти жараёнида яратилган ва ўзгартирилган маданият ва ижтимоийликнинг бирлиги сифатида кўриб чиқишига уринишдир. Ушбу бирлик, тизими ёндашув тамойилларига кўра бир бутунни ташкил қиласи ва унинг хусусиятларини қисмлар хусусиятларидан чиқариб бўлмайди. Шахснинг ўзи ижтимоий-маданий ёндашувда жамият ҳам муносабатлар тизими ва маданият, қадриятлар ва меъёрлар тўплами билан боғлик, деб ҳисобланади.

Н.В.Жукова ижтимоий-маданий компетентликнинг рефлексив ва прогностик хусусиятини таъкидлаб, ижтимоий-маданий компетентлик ижтимоий ва маданий англаш контекстининг мазмунини акс эттириш мезонларини шакллантиришга таъсир кўрсатишини, шунингдек, шахснинг

ўзи билим структурасининг тузилиши билан шартланган маданият даражаларидан бири эканлигини таъкидлайди<sup>3</sup>. И.А.Зимняининг фикрига кўра, маданиятли инсон ўз фаолиятининг барча шаклларида маълум бир жамиятнинг ижтимоий-маданий ривожланиш нормаларига жавоб берадиган шахсдир. Инсоннинг умумий маданияти бу мураккаб тизимли шаклланиш жараёни бўлиб, унинг мазмун-моҳияти инсоннинг дунёга, ўзига, бошқаларга, меҳнатга, табиатга муносабати сифатида намоён бўлади ва у ўзини тутиш маданияти, тактикаси, ички маданиятини назарда тутади: қадр-қиммат, бошқани ҳурмат қилиш, масъулият, ўзини ўзи бошқариш кабиларни ўз ичига олади<sup>4</sup>.

Тадқиқотда ижтимоий-маданий билимлар, қўникмалар ва компетенция тушунчалари аниқлаштирилди:

**1. Ижтимоий-маданий билимлар қўйидагиларни ўз ичига олади:**

- тил ташувчиларнинг маданий хусусиятлари, уларнинг урф-одатлари, маросимлари (келиш-кетиш вақти, совғалар, кийим-кечаклар, ичимликлар, сухбат, мақтовлар, хайрлашиш, зиёфат маданияти) ҳақида билиш;
- ўзини тутиш ва одоб-ахлоқ меъёрларини, шу жумладан, оғзаки (вербал) ва оғзаки бўлмаган (невербал) алоқа усулларини (қўл сиқиш, суйканиш, қучоқлаш, ўпишиш, имо-ишоралар, юз ифодалари, кўз тили, мулоқот масофаси, хушмуомалалик қоидалари) билиш;
- ўрганилаётган тил мамлакатининг ижтимоий-маданий портретини (унинг ривожланишининг асосий босқичлари, тарихидаги энг муҳим босқичлар, маданий меросни билиш) билиш.

**2. Ижтимоий-маданий қўникмалар блокига қўйидагилар киради:**

- оғзаки ва ёзма мулоқотда (табриклиш, хайрлашиш, табриклиш, кечирим сўраш, илтимос қилиш) одоб-ахлоқ қоидалари формууларидан фойдаланиш қобилияти;

<sup>3</sup> Жукова Н.В. Роль внутреннего, кросскультурного контекста в становлении личной культуры субъекта: монография. – Екатеринбург: Урал. гос. пед. ун-т, 2009. – 212 с.

<sup>4</sup> Зимняя И.А. Педагогическая психология. – М.: Логос, 2007. – 256 с.

- маданиятлараро мулокотда ўз мамлакати, маданиятини намойиш этиш қобилияти;
- биргаликда ўрганилган маданиятларнинг фактлари ва ҳодисаларининг ўхшашлик ва фарқларини ўзаро таққослашни билиш;
- нутқ ва нутқсиз хатти-харакатларни жамиятнинг маданий меъёрларига мувофиқ равища қуриш;
- умуммаданий, маданиятшунослик, ижтимоий-лингвистик ва лингвистик-маданий характердаги маълумотларни тўплаш, тизимлаштириш, таҳлил қилиш ва талқин қилиш.

3. Ижтимоий-маданий компетенцияни ривожлантириш талаба шахсининг маълум қобилиятлари ва фазилатларини шакллантиришни назарда тутади, уларга қўйидагилар киради:

- очиқлик (одамларга нисбатан, бошқа маданият вакилларига нисбатан хурофотдан озод бўлиш);
- сухбатдошни эшитиш ва тинглаш қобилияти;
- она тили ва ўрганилаётган мамлакат тили маданиятидаги фарқларни тушуниш ва қабул қилиш қобилияти;
- синфдан ташқари вақтда чет тилини мустақил равища үрганиш зарурати;
- бағрикенглик (бошқа маданиятларда бизга таниш бўлмаган намойишига нисбатан бағрикенглик муносабати);
- мулокотга тайёрлик (ўз ва бошқа ижтимоий-маданий ҳамжамият вакиллари билан фаол мулокотда бўлиш истаги ва қобилияти);
- нутқ ва ижтимоий-маданий мулойимлик ва хушмуомалалик.

Тарих фани қўйидаги ижтимоий функцияларни бажаради:

1. Ижтимоий хотира функцияси.
2. Ўхшашликни шакллантириш функцияси.
3. Тарихнинг илмий-когнитив функцияси.
4. Тарихнинг ижтимоий-маданий функцияси.
5. Тарихнинг тарбиявий функцияси.

6. Тарихнинг амалий ва тавсия этувчи функцияси.
7. Тарихнинг башоратлаш функцияси.
8. Тарихнинг маданий функцияси.

Ўқитувчининг ижтимоий-маданий компетентлигини шакллантириш қуидагиларга боғлиқ:

- жамиятнинг тарихий ва маданий ривожланиш хусусиятларига;
- ўқитувчиларнинг ижтимоий ва професионал ҳамжамият сифатидаги ўрнига;
- замонавий таълимнинг ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида ривожланишига;
- маълум таълим муҳитининг ижтимоий-таълим ҳолати фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига;
- қасбий фаолиятни шакллантиришнинг шахсий механизмларига;
- ўқитувчи томонидан таълимнинг гуманистик парадигмасини ўзлаштириши ва уни амал оширишига.

Шахснинг ижтимоий компетентлиги шахснинг яхлит ижтимоий сифати бўлиб, у ижтимоий ҳақиқатни аниқ қадрлашни, ҳаракатга кўрсатма сифатида аниқ ижтимоий билимларни, ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзини ўзи бошқариш ва қоидалар яратиш каби субъектив имкониятларни ўз ичига олган, ҳаётнинг асосий соҳаларига тегишли маданият, ахлоқ ва қонун даражасига мувоғиқ равишда ижтимоий технологияларни амалга ошириш қобилиятидир.

Диссертациянинг “**Тарих йўналиши талабалари ижтимоий-маданий компетентлигининг назарий ва диагностик асослари**” деб номланган иккинчи бобида ижтимоий-маданий компетентликнинг мезон кўрсаткичлари, тадқиқотнинг диагностик аппарати асосланган, бўлажак тарих фани ўқитувчиларининг ижтимоий-маданий компетенциясини шакллантириш модели ишлаб чиқилган ва педагогик тизими комплекс ёндашув методи асосида таҳлил қилинган.

Тадқиқотимизда асос сифатида биз талабаларнинг ижтимоий-маданий компетентлик даражаси психодиагностикасига қуйидаги ёндашувларни қўлладик:

- 1) шахсга йўналтирилган ёндашув - бўлажак тарих ўқитувчиси шахсининг ўзаро боғлиқ фазилатлари тизимини, ақл-идрокнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсирини, ўз-ўзини англаш хусусиятларини, ҳиссий ривожланиш даражасини, иродавий ва коммуникатив соҳаларни ҳисобга олган ҳолда ўрганиш;
- 2) динамик ёндашув - ўрганиш давомийлиги, яъни турли хил таълим ва коммуникатив вазиятларда субъектларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиш, талабаларнинг ривожланиш динамикасини ўрганиш, камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг мумкин бўлган усулларини аниқлаш учун етарли вақт;
- 3) прогностик ёндашув - унда сўров натижалари нафақат талабаларнинг керакли фазилатлари ва кўнилмаларини аниқлаш, умумий ва маҳсус қобилиятларни ривожлантириш, балки унинг шахсий ўзини ўзи ривожлантириш прогнози, касбий ривожланиш ва ижтимоий-маданий ёндашув нуқтаи назаридан унинг потенциал имкониятларини аниқлашга йўналтирилганлиги.

Экспериментни аниқлаш босқичида натижаларнинг оптимал даражадаги ишончлилигини таъминлаш учун қуйидагиларни аниқлаш керак бўлди:

- мақсад учун қандай мезонлар танланади;
- нима ўлчанади (ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, уларнинг ютуқлари, ўқув фаолияти кўрсаткичлари, уларнинг меҳнат ва ижод маҳсули ва бошқалар);
- педагогик диагностиканинг қандай усуллари қўлланилади.

Таълим фаолияти натижаларини баҳолаш тизими самарадорлигининг зарур шарти қуйидагиларнинг мақбул комбинацияси ҳисобланади:

- жамоавий (гурухли) ва индивидуал баҳолаш шакллари;

- таълим фаолияти муваффақиятининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари;

- статик (якуний) ва динамик (процессуал) баҳолаш усуллари;

- талаба ўқув портфелининг (ўқув юк ҳажмининг) ички (шахсий) ва ташқи (ижтимоий репрезентатив) жиҳатлари.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда бўлажак тарих ўқитувчиларининг ижтимоий-маданий компетентликларини аниқлашнинг қуидаги тамойилларини шакллантириш мумкин:

- таълим олувчиларнинг хатти-ҳаракатлари ва фаолиятининг турли жиҳатларини баҳолашнинг мураккаб характеристи, бу ҳар хил маълумот манбалардан фойдаланиш ва қобилияtlарининг энг кенг доирасини қамраб олишга имкон беради;

- талабаларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганиш, кузатиш ва баҳолаш босқичининг давомийлиги;

- мойиллиги ва қизиқишлирига энг мос келадиган фаолият ўйналишлари бўйича бўлажак мутахассисларнинг хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш (ёшларни маҳсус ташкил этилган субъект-ўйин фаолиятига кўшиш, уни тегишли мавзули фаолиятнинг турли шаклларига жалб қилиш ва ҳ.к).

Номланган функциялар тарихни ўқитишида ижтимоий-маданий ёндашув хусусиятларини аниқлаш ва ўрганиш, олимларнинг юқорида келтирилган фикрларини таҳлил қилиш бизга талабаларнинг тарихий, ижтимоий-маданий ва шахсий ривожланиш даражаси мезонларини аниқлаш имконини берди: дунёқарашли, когнитив, мотивацион-қадриятли, фаолиятли-амалий (фаолиятли-услубий).

Тадқиқотда бўлажак тарих ўқитувчиларининг ижтимоий-маданий компетентлик мезонлари аниқлаштирилди. Улар қуидагилардан иборат:

- дунёқарашли: ўқитувчи шахси ва фаолиятининг муҳим компоненти (таркибий қисми), атрофдаги борлиққа қарашлар тизими, ижтимоий, маданий хулқ-атвор комплекслари ўрнатилиши ва субъектнинг амалий

тажрибаси ва маданият тарихий тажрибасининг шахсий образи ҳамда у мансуб бўлган маданият;

- когнитив: касбий тарихий-педагогик фаолият бўйича назарий билимлар мажмuinинг мавжудлиги, билим ва ижтимоий-маданий портфелни доимий равиша тўлдириш, тарихий фактлар ва ҳодисаларни англаш, тарихий ва ижтимоий-маданий ҳодисаларни асослаш ва объектив баҳолаш қобилияти;

- мотивацион-қадриятли: манфаатдор, предметга бўлган муносабат, тарихий ва маданий фактлар ва ҳодисалар, қизиқиш, баҳолаш, тарихий ва ижтимоий-маданий қадриятларнинг маънавий-ахлоқий мазмунини шахсий қабул қилиш ва ўзлаштириш;

- фаолиятли-услубий: ўзининг ижтимоий-маданий тажрибаларига эга бўлиш ва кенгайтириш, тавсифлаш, тушунтириш, етарли технологияларни қўллаш, ижтимоий-маданий билимларини таъминлаш, ахборатлар оқимини бошқариш, республика ва жаҳондаги сиёсий-тарихий ҳолатларни баҳолашни асослаш, тушунчалар бериш;

-касбий педагогик мулоқат воситаларининг амалий эгалланиши.

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда талабаларнинг ижтимоий-маданий компетенциясини шакллантириш жараёнида талабаларнинг амалий кўнилмаларини қўллаш, уларнинг фаоллигини ривожлантириш, акс эттириш, ижтимоий билимларни кенгайтириш ва ижтимоий фаолият соҳасини ривожлантиришга қаратилган педагогик моделлар комплекси муваффақиятни таъминлаш воситаси бўлиши мумкин, деган хуносага келинди. Шу муносабат билан биз талабалар томонидан аниқ белгиланган намунани ўзлаштириш; унинг асосий турлари бўйича талабаларнинг ўқув-қидирув фаолияти; илмий тадқиқот турлари бўйича талабаларни тизимли равиша когнитив изланиш; диалогик фаолиятга ўргатиш каби ўқитишнинг намунали моделларидан фойдаланишни маъқул деб топдик.

Тарих дарсларида ўйин технологияси ўрганилаётган замон, даврга чуқурроқ кириб боришга имкон беради ҳамда талабаларда катта қизиқиш

үйғотади. Ўйин фаолиятнинг фаол шакли саналади, унда ўтган ва ҳозирги замоннинг маълум ҳолатлари (муҳитлари) моделлашган бўлади ҳамда тарихий драма қатнашчилари унда “тирилади” ва “ҳаракатга келади”. Бундай дарснинг бош мақсади – субъектнинг тарихий ҳақиқатга ўзига хос эмоционал муносабабтини аниқлашдир. Талабалар “инсонларсиз” тарихни ўзлари ихтиро қилган персонажлар билан тўлдиради, бу уларга интеллектуал, эмоционал, ижодий англаш фаолиятларини бирлаштиришга имкон беради ҳамда ижтимоий, маданий комплекс омилларини англашларини енгиллаштиради. Тарихий ўйинлар классификацияси учта мезонга асосланади: ролларнинг характеристи; дарс жараёнида хаёлий муҳит вақти; болаларнинг ўйинга киришиб кетиш даражаси (ва сценарий мустаҳкамлиги).

Методистлар тарихий ўйиннинг икки муҳим белгисини ажаратадилар: хаёлий муҳитда қатнашчиларнинг қадимда ёки ҳозирги кунлардаги диалоги (гаплашувининг мавжудлиги. Ўйинлар белгиларига мақсадига, қатнашчилар сонига, борлиқни ифодалаш характеристига қараб классификацияланади (синфлаштирилади). Бундай дарсларда олинган билимлар улар учун шахсга-йўналтирилган, эмоциоанал-рангланган бўлиб, уларга ўрганилаётган замонни янайм яхшироқ билиш ва “сезиш”ларига ёрдам беради. Шу тариқа таълим олувчилар янги билимларни ўрганадилар, чукурлаштирадилар, шунигдек, катта ҳажмдаги, биринчи навбатда, коммуникатив (мулоқот) қўникмага эга бўладилар, англаш қобилиятлари ривожланади, уларнинг “даврни ҳис қилиш”лари шаклланади.

Таянч ОТМларнинг талабалар тажриба гуруҳидаги ижобий ўзгаришлар тасдиқланган педагогик тизимга якуний тузатишлар киритиш ва тарих ўқитувчиларининг ижтимоий-маданий компетенциясини шакллантириш моделини ишлаб чиқишига имкон берди (1-расмга қаранг).

Дарс мазмуни бир неча ахборот блокларидан тузилади, уларни осон алмаштириш ва ўрин алмаштириш мумкин, ҳар бир блок билан ишлаш мақсади шакллантирилади, уларни амалга ошириш масалаларни

тизимлаштириш ва билимларни фаоллаштириш орқали амалга оширилади,

МЕТОДОЛОГИК БЛОК		
Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармонлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Қарорлари, Олий таълим ва маданий ривожланиш бўйича дастурий хужжатлар		
МАҚСАДЛИ БЛОК		
<p><b>Мақсад:</b> умуминсоний ва миллий қадриятларга йўналтирилган, миллий қадриятларни ўзлаштирган, уларни эҳтиёткорлик билан сақлашга қодир бўлган, ўз Ватанининг кейинги ижтимоий тараккиёти йўлида янги ижтимоий-маданий парадигмадан фойдаланиш ва ўсишига қодир юқори даражада ривожланган шахсни шакллантириш.</p>		
НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ		
<p><b>Функциялар:</b> Тарихнинг вазифалари: ижтимоий хотира, тарихий онгни шакллантириш, ўхшашликни шакллантириш, илмий-англаш, тарбиявий, амалий тавсия, прогностик, маданий Педагогик жараённинг функциялари (вазифалари) Мазмунли, операцион а процессуал, ташкилий</p>	<p><b>Босқичлар:</b> когнитив босқич (ижтимоий-маданий саводхонлик), тадқиқот-ривожланиш босқичи (ижтимоий-маданий онг ва тафаккур), фаолият босқичи (ижтимоий-маданий компетентлик) - шахсий шаклланган фуқаролик ва ижтимоий-маданий позиция.</p>	
<p><b>Тамоилилар:</b> Инсонпарварлик, Ҳамкорлик, Давомийлик, Креативлик</p>	<p><b>Блоклар:</b> Мотиватсион жозибадорлик, Мураккаб психологик, Тарихий ва маданий</p>	
ДИАГНОСТИК ТИЗИМ		
Мезонлар: мафкуравий, когнитив, мотиватсион-қадриятли, фаолиятли-амалий (фаолиятли-услубий).	<p><b>Мониторинг:</b> а) талабаларнинг ижтимоий-маданий компетентсияси даражасини ривожлантириш; б) кўлланиладиган усуллар ва технологияларнинг муваффакияти ёки самарасизлиги; в) тузатиш процедура</p>	<p><b>Даражалар:</b> Баланд Ўрта Паст</p>
АМАЛИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК ТАЪМИНОТ		
<p><b>Ёндашувлар:</b> Миллий-маданий ёндашув, Шахсга йўналтирилган ёндашув, Интеллектуал-фаол ёндашув, Шахсийлаштирилган ёндашув, Эмпатик ёндашув, Янги ўлчовдаги инноватсион (қиёсий) ёки қиёсий ёндашув</p>	<p><b>Моделлар:</b> Ўқув-изланиш фаолияти модели хужжатлар тизими билан ишлаш тадқиқот фаолияти; Диалогик фаолият модели ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолиятида вазият муаммоларини ҳал қилиш; Ўқув-ижодий фаолият модели муаммоли ўқитиши ташкил этиш; ижодий муаммоларни ҳал қилишга ўргатиш; ўйин машғулотларини ташкил этиш; Тадқиқот модели</p>	
<p><b>Машғулот турлари:</b> Тарих материаллари асосида ўзини ўзи аниқлаш ва ўзини ўзи англаш машғулотлари: презентациялари, матбуот анжуманлари, брифинглар, интервюлар, телеконферентсиялар, давра сухбатлари, семинарлар, ким ошди савдолари ва бошқалар. Янги материалларини ўрганиш дарслари: экспурсиялар, ўтмиш воқеаларида хаёлий иштирок этиш бўйича дарслар. Тарихий-маданий билимларни фаоллаштириш. Маданиятга бағишлиланган дарслар: спектакл-дарслар (саҳналаштириш), вернисажлар, тарихий-адабий салонлар. ноанъанавий дарслар</p>	<p><b>Технологиялар:</b> Вазиятли масалалар Муқобил вазиятлар Ролли ўйинлар (саҳналаштириш) Тарихий хужжатлар билан ишлаш</p>	
НАТИЖАВИЙ БЛОК		
<p><b>Педагогик шарт-шаронтлар:</b> - талабаларни эркин, шахсий ва бевосита идроқ этиш ва ривожлантириш учун маҳсус шаронтлар яратиш; - замонавий ижтимоий-маданий вазият ва унинг таълим тизими ва шахсга таъсирини ҳисобга олиш; - инсоннинг юқори ақлий функцияларини фаоллаштириш ва этномаданий матн мавжудлиги; - шахсий хусусиятларни ҳисобга олиш</p>		

олиш; - талабаларнинг онгли ички шахсий интилишлари

Ёшларни интеллектуал, илмий усуллардан фойдаланишга ундейдиган излаш, ижодий фаолиятни талаб қиласиган усуллар ва технологияларни жалб қилиш зарурияти - таққослаш, ёнма-ён қўйиш, таснифлаш, бирлаштириш, оқибатларни келтириб чикариш, бошқа шароитларда намунани кўллаш, қарама-қаршиликларни топиш ва бартараф этиш, индукция ва дедукция.

**Натижা:** Барча ўкувчиларни ўқув жараёнига жалб қилиш. Ижтимоний, сиёсий ва маданий ҳодисалар ва ўтмиш воқеаларни муҳокама қилишга қизиқиши ва ҳиссий муносабат. Ўзбекистон маданияти ва тарихини баҳолаш. фуқаролик-ватанпарварлик позициялар. Миллий қадриятлар - урф-одатлар, урф-одатлар, байрамлар, ёдгорликларнинг тарихий, маданий ва ижтимоий аҳамияти тўғрисида тушунчаларни чуқурлаштириш. “Тарих” фанига, унинг маънавий, ахлоқий ва ижтимоий-маданий таркибий қисмига (хотира, тарихий хотира, ватанпарварлик, фуқаролик онги, Ўзбекистон ва бутун инсониятнинг маданий, сиёсий, илмий ютуклари) нисбатан юкори даражадаги қадриятли муносабатлар; ижтимоий-маданий маълумотларни қабул қилиш ва кайта ишлани технологиясига эгалик қилиш; янада яхши натижаларга эришиш учун ҳамкорлик қилиш қобилияти; мустақиллик ва ижодий фаолият. Тарихий ҳодисалар ва воқеаларни аҳамияти даражасига ва ўтмиш ва ҳозирги иқтисодий, сиёсий ва маданий муаммолар билан боғлиқлигига қараб янада муваффақиятли аниқлаш. Тажриба гурухларида талабаларнинг миқдорий қўрсаткичларнинг назорат гурухи талабалари қўрсаткичларидан сезиларли даражада афзаликлари.

## **1-расм: Бўлажак тарихи ўқитувчиларининг ижтимоий-маданий компетентлигини шакллантириш модели**

тарихий манбалар мустақил ўрганилади, ўз фикрини шакллантириш ва ифодалаш, билиш ва коммуникатив фаолиятларини шакллантириш, талабаларнинг англаш, назорат қилиш ва диагностика қилиш қобилиятларини ривожлантириш назарда тутилади.

Ижтимоий-маданий компетенциянинг мазмуни, уни шакллантириш муаммоси таълимнинг янги педагогик парадигмаси билан бирлаштирилган бўлиб, унда анъанавий шакллардан воз кечиш (тайёр намуналарни ўзлаштириш) ва инсоннинг ривожланиш қобилиятига эътибор кучаймокда. Ёшларнинг маданият дунёси, қадриятлари, назариялари, бошқа одамлар ва маданиятлар билан бирга яшаш қоидаларига индивидуал ва ижодий кириш орқали уларда ўз ички дунёсини қуриш қобилияти пайдо бўлади.

Янги парадигма нуқтаи назаридан педагогик вазифа тарих ўқитувчиларини тайёрлашнинг принципиал янги моделини ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич амалга ошириш орқали юзага келади. Унинг янгилиги иккита асосий таркибий қисм: ижтимоий-маданий ва профессионал, қадриятлар ва технологияларнинг уйғун синтези ва эквивалентлигига намаён бўлади. Шундай экан, ОТМ нафақат мутахассисларни тайёрлаш маркази, балки инсонпарварлик ва ахлоқий қадриятлар устун бўлган кенг маданий, маърифий ва маданий-ахлоқий макон бўлиши керак. Тарих

ўқитувчиларини тайёрлашда ва умуман ОТМларнинг таълим тизимида талабаларнинг миллий ўз-ўзини англишини шакллантириш вазифаси, уларни ҳал қилиш жараёнида тарихга ва инсоният маданиятига онгли, ҳиссий-қадриятли муносабат муҳим аҳамиятга эга: одамлар тарбияланади ва шахс эса ушбу маданиятнинг ташувчиси ва давомчисига айланади.

Бизнинг фикримизча, тадқиқотимиз муаммоси маънавий, гуманитар ва эстетик қадриятлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уни ҳал қилишда куйидаги педагогик тамойиллар асос бўла олади:

